

Хикмат айтай сенга дўстим кулок сол,
Хакни севсанг, бу сабоқдан ибрат ол!
Чун агар айбингни айтса бир тараф,
Эт кабул, инсонлигинга бу шараф!
Мактаса дўстинг сени кўп эрта-кеч,
Бундаин бетамиздан сан эрта кеч!
Зоти Одам бор экан, килгай хато,
Англа, бу сўзни дегувчи Мустафо!
Гар хатокор тавба килса, хўб шараф,
Айбини тан олмаган хайвон тараф.
Хакка таслим бўлса шулдир бандалик,
Аслида бевандалик, шармандалик.
Сўйлайин хикматки сенга ибрат ол!
Ибрат олмок учун дастлаб кулок сол!
“Бор эди, бир мамлакатнинг подшоси,
Йўк эди, золимлигин интихоси.
Лек унинг айбини ҳеч ким сўйламас,
Окибат расволигин ҳам ўйламас.
Зулмига нозирлари фатво топар,
Мадхига шоирлари наво битар.
Шох эса килмишларин ҳақ деб билур,
Кўнглига келганни кайтармай килур.
Бу шаҳарда бор эди оқил киши,
Хўп ажойиб, сўзларидан килмиши.
Халқаро хикмат билан номдор эди,
Фозилу донишларга сардор эди.
Довруги чор тарафга кетган эмиш,
Бу хабар подшоҳга ҳам етган эмиш.
Чорлади шох, бир куни алломани,
Ҳам буюрди, зўр иложсиз номани.
-“Менга келтир бир либоски бебаҳо,
Жумла олам кўрса бўлсин махлиё,
Менгача бундаин кўрган бўлмасин,
Мен кияй, ҳеч бир киши сўнг киймасин!
Гар кўлингдан келмаса бундай хунар,
Шу ҳаким бошинг танангдан айрилар”.
-“Хўп”- деди доно:- “Ва лекин шарти бор,
Ҳар киши кўрмас уни, чун фарқи бор.
Мансабига ким агар лойик эса,
Сен ишон, у либосни кўрдим деса.
Ақлсиз мансабпарастлар кўрмагай,

Минг тикилсин, ҳеч иложи бўлмагай.
Бир либоски, кўринмас дурдонадир,

Ким агар кўрса уни, парвонадир.
Сенгача кийганни инсон билмасин,
Сен киюрсан, сўнгра хеч ким киймасин.
Менга мухлат берки, ишни битказай,
Бу гаройиб орзуйингга етказай!”
Иддаода подшоҳ ютган эди,
Чун ҳақимдан розилик кутган эди.
Шу бахона ҳакни синдирмок зарур,
Кўйлак эса ажойиб тузук эрур.
Эй биродар, сен макр килма сира!
Ким тузук кўйса, ўзи тушди кара!
Бирма-бир кунлар ўтар мақсад сари,
Келди ходим саройдан иш кўргали.
Устанинг дастида игна кайчи бор,
Лек мато йўк, ҳам либосдан йўк асар.
Кўнглига бир гулгула тушган эди,
Ҳам таажжуб ёқасин ушлаб деди:
-“Ҳасротто, шундай либосни кўрмасам,
Мансабимга нахот лойик бўлмасам”.
Даб-дуруст кайтди сарой айвониға,
Мақтади йўк либосни хокониға.
Бир сифат берди, сарой ходимлари,
Либосни кўрмок сари одимлади.
Минг таассуф, хеч бири кўрмасдилар,
Шохга кайтгач, макташни кўймасдилар”.
Барча оқил эди, мансабга лойик,
Бу ажиб гап, тингланг энди халойик!
“Вакт тугаб шох олдига келди ҳақим,
Сарой гавжум эди, бироқ ҳамма жим.
Энди не гап бўлмишин билмок керак,
Шохни кўнглига караб юрмок керак.
Маймун йиглар подшоҳнинг холиға,
Ҳакка пуфлаб, ўт кетди соколиға.
Шубҳасиз, у ҳам либосни кўрмади,
Васваса кўнгил билан ўйлаб деди:
-“Ҳамма кўрганни ажаб, мен кўрмасам,
Нахотки тахтимга лойик бўлмасам!?”
Лек шаҳоншоҳ ҳам сирин бермай туриб,
Ялангоч йўк жомани олди кийиб.

Чикди халк олдига хайхот, кийимсиз,
Амалдорлар эса мактар тинимсиз:
-“Хўб ажойиб тўн кийибсиз, во ажаб!
Сизга тикилган сира тўймас караб!”
Бечора шох чин дўстни билмас эди,
Гар билганда ялангоч юрмасмиди?!

Кўрмагансан бу каби шармандани,
Айбини тан олмаган зормандани”.
Эй биродар, сен ялангоч юрмагин!
Тўгри сўз дўстингга карши турмагин!
Мусаффо кўзгуни бахт деб каршила!
Юзинг кийшикми, ўзингдан ўпкала!
“Йигилган табрик учун минглаб одам,
Барча хайрон, лек мактов тинмасди хам.
Бир гўдак тортар отасин енгини:
-“Жон отажан, кўрсатинг шох эгнини!”
Фарзанд деди, елкага олгач ота:
-“Шох ялангочми? Вой, уятку роса!”
Бир зумда таркалди гўдакнинг сўзи,
Хам очилди шу онда халкнинг кўзи”.
Ха, хакикат барк уриб келган замон,
Бардош беролмас ёлгону, хам ёмон.
Хак сира синган эмас, синмайди хам,
Ботил нажот топмаган, топмайди хам.
Таъмалик мактовга харгиз учмагин!
Такво либосингни зинхор ечмагин!
Хамма ботилга чапак чалган куни,
Сен гўдаклик килда, тан олма уни!
Кўрмаган нарсангни, кўряпман дема,
Окни ок деб, майли ёгли нон ема!
Бу чаманда муаттар райхона бўл!
Хакни айтмок фурсати мардона бўл!
Килма парво маломат уммонига,
Сен амал кил, саломат иймонингга!
Окибатда муттакийларга салом.
Бир гўдакнинг киссаси бўлди тамом.

Андерсен эртагининг асосида
Аброр Мухтор Алий